

Янги Ўзбекистонда Ислом Молияси

Yo`ldoshev Husniddin G`ayratbek o`g`li¹

Аннотация: Мазкур мақоланинг мақсади Ўзбекистонда махсус инвестиция лойиҳаларини исломий молиявий амалиётини кенг жорий қилиш йўлидаги муаммоларни ўрганишдан иборат. Хусусан, мақолада ислом молиясининг моҳияти, илмий қарашлар, инвестиция лойиҳаларининг таҳлили, Ўзбекистонда ислом молия тизими даги муаммолар ва бу йўналишдаги эмпирик тажрибалар кўриб чиқилган ҳамда хорижий тажриба ва Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқот натижалари нуктаи назаридан ислом молиявий хизматларидан фойдаланиши яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: Ислом молияси, меъёрий-хукукий база, МДХ, Ўзбекистон, ИТБ, ХСРИК, инвестиция лойиҳалари.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг самарали усуllibарини миллый иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда жорий этиш, инвестицион фаолиятда лойиҳавий рискларни имкон даражасида пасайтириш, инвестицион рискларни самарали бошқариш, ресурслар тақчиллиги шароитида йирик инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни ташкил этиш бугунги кун молия-банк соҳасининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда тез суръатларда ривожланиб бораётган исломий молия муассасаларининг хизматларидан фойдаланиши такомиллаштириш натижасида молиявий хизматлар сифатининг ошиши, хусусий тармоқ вакиллари салоҳиятининг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса кўшиши нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда жаҳонда исломий молия тармоғи жадал ривожланиб бораётган ва ишончли, инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланиб, ушбу муассасаларнинг 2020 йил якунлари ялпли активлари миқдори 3,4 триллион АҚШ долларини ташкил этди ва йилига ўртacha 10-15 %га ўсиб бормоқда [1].

Ахолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ушбу тармоқни ривожлантириш, айниқса, долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкига 2003 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунга қадар жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арzon уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик суви тармоқлари қурилиб, соглиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган [2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ИҲТТИФ кенгаши 43- сессияси очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳалқаро савдо-иктисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қиласи”, – дея таъкидлаб ўтган эди [3]. Шундай экан, мусулмон давлатларидағи фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва хусусий секторни кўллабқувватлаш мақсадида жалб этиш айни муддаодир. Бунинг учун, албатта, миллый банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмок лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

“Ислом молия тизими” атамаси 1980 йилларнинг ўрталарида пайдо бўлганлиги сабабли илмий атамалар орасида нисбатан янгидир. Кўпинча, бу концепция фоизсиз молиявий амалиётлар тизими сифатида тушунилади. Бироқ, исломий молия тамойиллари кредит фоизларини рад этибгина қолмастан, бу тушунчадан анчайин кенроқ ҳамдир. Ислом молияси – ислом тамойил ва қоидаларига тўлиқ мос келувчи молиявий инструментларни ва қонуниятлар ўз ичига олган тизим. Ислом молиясига нисбатан XXI асрда кизиқиши юқори бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш борасидаги илмий фаолият кўпайиб бормоқда. Консалтинг ва аудит хизматларини кўрсатувчи ҳалқаро йирик тармоқ компанияси ҳисобланган “Делойт” (Deloitte Touche Tohmatsu Limited) таърифига кўра ислом молия тизими ўзига хос аралаш иқтисодий тизим бўлиб, унда молиявий трансакциялар адолат, фойда ва зарарга шериклик ҳамда ҳақиқий трансакцияларга [4] асосланган ахлокий меъёrlар ва ислом хукуки (шариат)га мутаносиб равишда амалга оширилади [5]. Ислом молияси деганда шариат тамойиллари асосида амалга ошириладиган молиявий хизмат ёки махсулот тушунилади (Гаит ва Уортингтон, 2008) [6]. Левис ва Алгауд (2001) [7] га кўра, ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд,

¹ 2-bosqich 201-guruh talabasi, Milliy g`oya ma`naviyat asoslari va huquq ta`lim yo`nalishi Ijtimoiy iqtisodiyot fakulteti, Andijon davlat universiteti

яъни риба (фоиз), ҳаром (тақиқланган) ёки ҳалол (рухсат этилган), ғарар (ноаниқлик) ёки майсир (кимор), закот ва шариат (ислом) кенгаши.

Исломда молиялаштириш тушунчаси анъанавий ёки “Ғарб молияси”дан фарқ қиласи. Исломий молия тизимини анъанавий тизимдан фарқлаш кўйидагиларни ўз ичига олади (Мирахор ва Иқбол, 2011) [8]: Биринчидан, ислом молия тизими тенглик, адолатли жамият ва иқтисодий тартиб учун интилади. Исломий молия тизимида фоизнинг (риба) тақиқланishi, эксплуатациядан қочиши, нархларни манипуляция қилиш орқали фойда олишдан қочиши ва камбагалларни (яъни қарз олувчи) ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Иккинчидан, ислом молия тизими ҳамкорлик ва биродарлик тамойилига ургу беради. Бу анъанавий молия тизимидағи тадбиркорнинг кредиттга лаёқатлилигидан кўра бизнес самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган таваккалчилик, фойда ва зарарни тақсимлаш тизимидан далолат беради. Учинчидан, ислом молияси шариатнинг ахлоқий мезонлари билан асосланади. Қўйида ислом молиясининг асосий тамойиллари келтирилган: Молиячиларга даромадлар одатда корхона фойдаси билан боғлиқ бўлиши ва молиячи ўз зиммасига олган тижорат таваккалчилигидан келиб чикиши керак;

Шариат пулни ўзига хос қийматга эга бўлмаган айирбошлаш воситаси сифатида қарайди; Шариат тамойиллари молиячиларни соғф кредитор бўлиш ўрнига бизнесдаги фойда ва таваккалчиликни бўлишиш учун лойихада шерик бўлишга ундейди; фойда кафолатланмаслиги керак ва шунинг учун инвестициялар бўйича қатъий даромад кафолатланмаслиги керак. Битимлар чайковчилик ёки қимор ўйинларидан холи бўлиши керак (майсир). Шартномада ноаниқлик (ғарар) мавжудлиги тақиқланади; нархи, етказиб бериш вақти ёки предмети олдиндан белгиланмаган битимлар шариат тамойилларига мос келмайди. Спиртли ичимликлар, гиёхванд моддалар, қимор ўйинлари ёки шариат томонидан тақиқланган бошқа фаолият билан боғлиқ инвестицияларга йўл қўйилмайди [9].

Лойихаларни исломий молиялаштиришни ташкил этиш ҳамда уни самараали тарзда юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи олимлар М.Таки Усмоний, Ҳ.Виссер, Ражеш К. Аггарвал, Тарик Ёусеф, Муҳаммад Жамал Ҳайдер, Гао Чангчун, Ледий Маҳара Гинтинг, Нафисах Рұҳана, Маризах Минҳат, Назам Дзолкарнаини, Мариатул Аида Жаффар, Росидаҳ Муса, Гайт, А., & Вортхингтон, А., Жалалуддин, А., Виктория Стоика, Чристопхер Г. томонидан тадқиқот олиб борилган. МДХ мамлакатлари олимларидан В.Антропов, Т.Гафурова, С.Мокина, О.Трофимова, И.А.Зарипов, ва И.Беккин сингари олимлар илмий ишларида исломий молия масалалари ўз аксини топган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим ва тадқиқотчилар Ҳ.Хасанов, Ж.Имамназаров, М.Султанов, С.З.Аброров, А.Турсунов, Н.Аллаберганова ва О.Давлатяровларнинг илмий ишларида ҳам изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Б.Жўраев [10] томонидан ислом молиясига оид адабиётлар хориж тилдан ўзбек тилига таржима килинган.

Амалга оширилган ушбу илмий ишлар ислом молиясининг назарий асослари ва ислом молиявий институтлар фаолиятига оид бўлиб, Ўзбекистонда маҳсус инвестиция лойихаларини исломий молиялаштириш тизими етарлича илмий тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда маҳсус инвестиция лойихаларини исломий молиялаштириш тизимини кенг жорий қилиш мақсади билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Хулоса ва тақлифлар Ислом молияси ишонч, ҳурмат, рискларни тақсимлаш, мажбуриятларга риоя қилиш ва фойдани адолатли тақсимлаш тамойилларига асосланади. Бу ислом банкларининг ўз фаолиятининг якуний натижаларидан манфаатдорлигини таъминлайди, фақатгина ўз фойдасини олишга қаратилган анъанавий банклардан фарқли ўлароқ.

Ислом банк иши модели нафақат банк бозорининг, балки бутун молия бозорининг баркарор ривожланишини шакллантиришга ёрдам берадиган ўзига хос хусусиятлар мажмуасига эга. Ислом банки институтлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари анъанавий банк муассасаларига нисбатан уларнинг афзалликларига айланади. Шунинг учун ҳам ислом банклари ўз фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва ҳалқаро амалиётта мослашишдаги қийинчиликларига қарамай, жаҳон молия бозорининг фаол иштирокчиларига айланди.

Сўнги йилларда Ислом молияси нафақат Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатларида, балки Марказий Осиёда ҳам ривожланиб бормоқда. Тадқиқотимиз натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ислом молияси Ўзбекистонда нафақат тадбиркорлар учун ва балки жисмоний шахслар учун ҳам зарур бўлган янги соҳадир. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Бироқ, потенциал мижозларнинг исломий молия соҳасида тажриба ва билимга эга эмаслиги, шунингдек, банк-молия қонунчилигининг етарли даражада тақомиллаштирилмаганлиги туфайли мавжуд кутилмалар ижобий бўлмаслиги мумкин. Ривожланаётган ислом молия тизимига оид юкорида қайд этилган давлатларнинг тажрибаси, энг аввало, тегишли меъёрий-хукукий базани ишлаб чиқиш, тегишли инфратузилмани шакллантириш, аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш, инвестор давлатлар билан ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Islamic Financial Services Industry (IFSI) Stability Report 2021
https://www.ifsb.org/preess_full.php?id=570&submit=more#:~:text=Bello%20Lawal%20Danbatta%20stated%20that,pattern%20and%20duration%20of%20the
2. https://uz.aуз.uz/posts/islom-taraqqiyot-bankining-toshkent-anzhumani_298637
3. <https://parstoday.com/uz/news/uzbekistan-i6844>

4. Аброров С.З. Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари. 08.00.07-Молия, пул муомиласи ва кредит PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т; 2020
5. <https://www2.deloitte.com/lv/en/pages/islamic-finance/articles/principles-islamicfinance.html>
6. Gait, A. and Worthington, A. (2008). An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, International Journal of Social Economics, 35(11), 783-808.
7. Lewis M.K. and Algaoud L.M. (2001). Islamic Banking. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd.
8. Mirakhor, A. and Iqbal, Z. (2011). An Introduction To Islamic Finance : Theory and Practice. Singapore: John Wiley & Sons